Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 113 (10.109). • 1991 йил 14 июнь • жума • Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 13 июнь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов қатнашди.

Депутатлар кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишни давом эттирдилар. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси З. Ҳ. Ҳалилов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш тартибининг лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг иш тартиби қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов «Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги Шартнома-лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Д. Н. Шамшетов, Э. Т. Шайхов, М. Т. Зоҳидов, Х. З. Низомитдинов, Т. Ш. Ширинқулов, Ф. Омонов, Н. Ю. Тўраев, М. Р. Раҳмонов, Т. Ҳошимов, Б. К. Нурметов, Ш. Мирзаев, А. Турдиқулов қатнашдилар.

Олий Кенгаш шу масала юзасидан қарор қабул қилди, Иттифоқ Шартномасини имзолаш учун делегация таркибини тасдиқлади.

Сўнгра депутатлар «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги Шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ахборот берди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Халқ депутатлари ҳар икки Шартномани ратификация қилдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг шу йил баҳорда республикада юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари тўғрисида И. Ҳ. Жўрабеков ахборотини маълумот учун қабул қилдилар.

Депутатлар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ошкоралик масалалари комитетининг раиси Э. Воҳидов маъруза қилди.

Лойиҳани муҳокама қилишда халқ депутатлари Р. Раҳмонов, Н. Саъдуллаев, М. А. Ибодуллаев, С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), Э. Ҳакимов, С. И. Зинин, К. Тўйчиев, М. Р. Отақулова, Т. Йўлдошев, Н. Н. Ёқубов, И. Файзуллаев, Д. Т. Раҳматова, Ўзбекистон ССР прокурори Б. М. Мустафоев қатнашдилар.

Депутатлар ошкоралик масалалари комитетига айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, лойиҳани пухталаштириш ҳамда уни овозга қўйиш учун тақдим этишни топширдилар.

Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Б. Ж. Ҳакимов, И. Юсупов, Ҳ. Қ. Эшонқулов қатнашдилар.

Муҳокама қилинаётган масалага доир музокараларни давом эттиришга қарор қилинди.

Сессия ўз ишини давом эттиради.

ПИЛЛА РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Вилоятимиз пиллакорларининг сидқидилдан қилган меҳнатлари ўз самарасини берди. Заршуносларимиз 1852 тонна пилла топшириб, йиллик режани бажардилар. Бекободликлар 214,3 тонна, оққўрғонликлар 161 тонна, чиноз-ликлар 143 тонна, оржоникидзеликлар 61,3 тонна хом ашё топшириб, биринчилардан бўлдилар. Бўка, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Янгийўл, Коммунистик райони меҳнаткашлари марра сари тобора яқинлашмоқдалар. Оҳангарон, Паркент, Бўстонлиқ сингари тоғолди районлари пиллакорлари хом ашё топширишдаги кунлик суръатга суръат қўшмоқдалар. Вилоятимизнинг улкан пилла хирмонини бунёд этишда кўп йиллардан бери ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётган илғор қурт-боқарларнинг номларини айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Чиноз-лик Турсуной Бадиева, оққўрғонлик Гулбаҳор Аҳмедова, оржоникидзелик Марҳамат Мавлонова, бекободлик Адолат Эгамбердиева, бўкалик Тожихон Туёқовалар шулар жумласидандир. Улар етиштирган ҳосилнинг ўртача вазни 70—90 килограммданга тўғри келди.

Пилла топшириш давом этмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

• Ишбилармон кишилар

ҲАМ ЧОРВАДОР, ҲАМ ДЕҲҚОН

ЗАРАР кўраётган тармоқни фойда берадиган соҳага айлантириш учун меҳнатни ташкил қилишнинг янги шакли — ижара пудрати асосида иш юрита бошланганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Бу усул чорвадорга ҳам қўл келди. Чунки, қанча кўп ишласанг шунча кўп ҳақ оласан-да.

Тошкент районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги фермаси чорвадорлари буни амалда кўряптилар.

Ижара пудратига ўтилгач, мудир Э. Зуфаров фермани истиқболи ҳақида узоқ ўйлади. Фермани айланаётиб, молларни яйратадиган майдонда юрган буқаларга кўзи тушди.

— Соғин сигирларга қаровчи молбоқарлардан-ку кўнглим тўқ, қолаверса сигирлар ҳам анча юввош. Лекин буқалар-чи?! Буларни ким эплайди? Бу ишни ҳам жойига қўйсак, ишимиз «беш» — дея кўнглидан ўтказди. Бу ҳақда шу фермада узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган Раҳмонберди Муҳитовга ўз муддаосини айтди.

— Раҳмонберди ака, тажрибали чорвадор, ишнинг кўзини биладиган кишисиз, сизга 70 бош буқа берсак, нима дейсиз?

— Қандай бўларкан, мудир, эплай олармиканман?

— Эплайсиз.

Раҳмонберди ака аввал иккиланди, сўнг розилик берди. Мудирнинг ёнидан чиқиб, буқалар яйратиладиган жойга бориб уларни бирма-бир кўздан кечирди. Семиртириб гўштга топширишга қўйилган бу моллар анча ориқ эди. Бундан у ўз зиммасига юклатилган масъулиятни ич-ичидан ҳис қилди. Тезда ишга киришмаса, аҳвол бундан ҳам мушкуллашишини пайқади. Дастлаб молларни гуруҳларга бўлиб, алоҳида-алоҳида парвариш қила бошлади. Озуқасига эътиборни кучайтирди. Тагларини тозалаб, алоҳида майдонда яйратиб туришни йўлга қўйди. Молларнинг у ёғидан, бу ёғидан ўтиб тезда ўзига ўргатиб олди. Моллар ҳам ҳақиқий эгасини топди. Тобора семириб кунига 500—600 граммдан тош боса бошлади.

Уста чорвадор ферманинг фойда берадиган тармоққа айланишига муносиб улуш қўшди. Шу туфайли ўтган йили ферма давлатга гўшт топшириш режасини ортиғи билан уддалади.

Ишлаган тишлайди, деганларидек Раҳмонберди аканинг ҳам топиш-тутиши чаккі бўлмади. Йиллик даромади 5000 сўмни ташкил этди.

— Раҳмонберди ака уста чорвадор,— дейди ферма ҳисобчиси Ҳ. Акромов.— Ферманинг ташвиши билан яшайдиган инсон. Ёш чорвадорлар қийналиб қолишса ёрдамини аямайди.

Дарвоқе, у деҳқончиликнинг илмини олган уста деҳқон ҳамдир. 10 сотихли томорқасида эртаги бодринг ва помидор экиб, фарзандларининг ризқини ҳам ўйлайди. Деҳқончилик етти хазинанинг бири дейишади. Шу боис Р. Муҳитов бўш вақт топди дегунча қўлига кетмон олиб ер чопади. Ахир егулик учун у бу нарса ўзингдан чиқиб турса, яхши-да. Ҳосил мўл бўлса, бозорга олиб чиқасан. Деҳқончиликдан келган даромад рўзғорнинг бир томонини кўтаради.

Жумҳуриятимизда бундай кишилар оз дейсизми. Қолаверса ҳозирги мураккаб шароитда уларнинг қадрига етиш, кези келганда меҳнатини муносиб тақдирлаш бизнинг ҳам бурчимиздир.

Х. ШАФОАТОВ.



Суратда: Илғор чорвадор Раҳмонберди Муҳитов шогирди Қобилжон Ғофуров билан озуқани кўздан кечирмоқда.

Суратқаш В. ТЎРАЕВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари

Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Муҳитдинович ЙЎЛДОШЕВ

Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев 1943 йилда туғилган, ўзбек, 1973 йилдан КПСС аъзоси. Москва энергетика институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Намангандаги «Пятилетка» ип йигириш-тўқув фабрикасида чилангир-таъмирловчиликдан бошлади. 1969 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника илмий-тадқиқот институтида катта инженер, «Электротерм» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводида уста, цех бошлиғи, Намангандаги электромеханика устаханаларининг бош муҳандиси, «Намангансвет» ишлаб чиқариш корхонасида директор бўлиб ишлади.

1974 йилдан бошлаб партия ва совет ишларида — Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят қўмитасининг инструктори, бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири, халқ депутатлари Совет район кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, халқ депутатлари Наманган вилоят Совети ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Наманган шаҳар қўмитасининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1985—1987 йилларда КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимида инструктор, 1987 йилдан бошлаб Сирдарё вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби, 1988 йилдан бошлаб Фарғона вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1990 йилдан бошлаб эса айни бир вақтда халқ депутатлари Фарғона вилоят Советининг раиси лавозимида ҳам ишлади. 1990 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Ўртоқ Ш. М. Йўлдошев СССР халқ депутати ва КПСС Марказий назорат комиссияси Раёсатининг аъзосидир.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ М. И. ИБРОҲИМОВ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ М. И. Иброҳимовнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари

Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. МУТАЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Абдулҳошим Муталов Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазири вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. Ш. ҲАБИБУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Асҳад Шарипович Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. С. МОРГАСОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Анатолий Сергеевич Моргасов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Ғ. АЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Ғулом Алиев Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲАКАМЛИГИНИНГ ИДОРАЛАРИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Давлат ҳакамлиги Ўзбекистон ССРнинг Олий ҳакамлик судига, вилоятларнинг давлат ҳакамликлари тегишлича областларнинг ҳакамлик судларига айлантирилсин.

Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгашига Қорақалпоғистон МССР Давлат ҳакамлигини Қорақалпоғистон МССР ҳакамлик судига айлантириш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш тавсия этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди республика ҳакамлик судларига раҳбарлик қилади, уларнинг маблағ билан, моддий-техника ва ўзга таъминоти масалаларини ҳал этади.

3. Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг ўринбосарларини, вилоят ҳакамлик судларининг раисларини Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон ССР Президенти тайинлайди.

Қорақалпоғистон МССР ҳакамлик судининг раисини Ўзбекистон ССР Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси киритган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгаши сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судларининг ҳакамларини, вилоят ҳакамлик судлари раисларининг ўринбосарларини ва ҳакамларини Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси тайинлайди.

4. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон МССР ҳакамлик суди ва вилоятларнинг ҳакамлик судлари ҳал этади.

Ҳакамлик судларининг низоларни ҳал этишга доир фаолиятига бирорта идора, ташкилот ёки мансабдор шахснинг аралашувига йўл қўйилмайди.

5. Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг назорат тартибида қабул қилган қарори узил-кесил бўлиб, уни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас.

6. Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судига Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси билан бирга Ўзбекистон ССР ҳакамлик судларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартибини бошқариб турувчи қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Р. А. ХАЧАТУРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Бош Давлат ҳаками Ўртоқ Роберт Альбертович Хачатуров Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ У. Қ. МИНГБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Убайдулло Қурбонович Мингбоев Тошкент шаҳар судининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь

БИРГАЛИКДА ҚАТЪИЙ КУРАШМОҚ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Коммунистларга осон бўлмай қолди. Ҳозирги вазиятда партия сафидан силлиққина чиқиб кетиш ҳам, кунданкун мураккаблашиб бораётган ижтимоий-сиёсий аҳволни ўнглаш учун сабот ва матонат билан курашмоқ ҳам мумкин. Қай тариқа йўл тутиш коммунистнинг виждонига ҳавола, албатта. Айнан ҳозирги шароитда партия ташкилотининг фаоллиги, коммунистлар ташаббускорлиги кўп нарсани белгилайди. «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти мисолида ҳам бу нарсани кўриш мумкин.

Бирлашма коммунистлари йиғилиши бу сафар партиясизларни ҳам бефарқ қолдирмади. Кун тартибига жуда муҳим ҳаётий масала қўйилган эди. Бозор иқтисодига ўтиш шароитида жамоа ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашда партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг мавқеини ошириш мавзуида бирлашма бош директори, СССР халқ депутати, партия қўмитаси аъзоси А. Федоров чуқур таҳлилли маъруза қилди.

— Жамоамизда йилнинг дастлабки чораги бўйича белгиланган режалар барча кўрсаткичлар бўйича уддаланди,— деди у жумладан.— Цемент, шифер, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида сезиларли ютуқларга эришдик. Бу жамоамиз ишчи-хизматчиларининг, мутахассислар, цех ва заводлар раҳбарларининг ишга янгича муносабат билан ёндашуви шарофатидир. Эндиликда фақат ўз меҳнатимиз билангина турмуш тарзимизни ўзимиз яхшиламоқ англаб етаяпмиз. Ўтган йиллнинг дастлабки чорагида бирлашмамизда ҳар бир ишчи-хизматчининг ўртача ойлик даромади 286 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 469 сўмга кўтарилди. Агар иш маромини йилнинг дастлабки чорагидагидай сақлаб қолсак ҳам келгусида иқтисодий даромадимизни янада ошириш мумкин. Бизда эса маҳсулот тайёрлашни янада кўпайтириш учун резервлар мавжуд.

Корхонада бундан икки ой муқаддам ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш юзасидан тадбирлар қабул қилинган эди. Партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари, маъмурият бу тадбирларнинг қайтганларга ҳам 100 сўм берилади. Лекин асосий эътибор ногиронлар ва пенсионерларга, кам даромадли оилаларга моддий ёрдамни кучайтиришга қаратилмоқда.

Мамлакатимизда чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши, энг зарур озиқ-овқат ва саноат моллари учун карточка тартиби жорий этилиши муносабати билан аҳвол янада мураккаблашди. Бирлашма маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ходимлар ва ишчиларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш учун ўз имкониятларидаги барча ишларни амалга оширишга ҳаракат қилишаяпти. Бу ишларнинг бошида коммунистлар турибдилар. Йилнинг дастлабки чорагида товар айрибошлаш йўли билан жумҳуриятимиз ва жумҳуриятимиздан ташқаридаги вилоятлардаги корхона ва хўжаликлар билан ўн етти шартнома тузилган эди. Биринчи чоракда 12 тонна гўшт олинди. Шу чоракдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари олиш янада кўпайди. Корхонада шунингдек ишчи-хизматчиларнинг овқатланиши учун кунига 2 сўм 50 тийинлик чипта жорий этилди. Бу кунига бир бор текин овқатланиш деган сўздир.

Очиқ партия йиғилишида вилоят партия қўмитаси котиби В. Гордиенко, район партия қўмитаси иккинчи котиби, Оҳангарон шаҳар Кенгаши раиси А. Расуловлар ҳам сўзга чиқдилар ҳамда коммунистлар ва партиясизларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Музокарада қатнашган коммунистлар ҳозирги танг аҳволда савдо ташкилотларидаги юлғичликларга, чайқовчилик ва шу каби қаллобликларга қарши курашни қатъиян кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Ушбу йиғилиш билан партия ташкилоти коммунистлар ва партиясизларда фақат астойдил ва уддабуронлик билан меҳнат қилибгина, турли иллатларга қарши биргаликда қатъиян курашибгина аҳволни ўзгартириш мумкинлигига ишонч уйғота олди.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ОЛМАЛИҚ. Болалар ва ўсмирлар учун тикилган замонавий кийим-кечакларга талаб янада ортиб бормоқда. Ана шу талабни қондириш мақсадида тикувчилик фабрикаси жамоаси янги моделлар яратмоқда, сифатини яхшиламоқда. Бу борада тикувчилар Асия Габдулкабирова (чапда) ва Назира Назаровалар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

● ШАҲАРДАГИ гилам фабрикасининг гилам цехи звено бошлиғи Абдулла Холматов смена ва ойлик топшириқларини ортиғи билан бажариб келаётган илғор ишчилардан ҳисобланади.

В. ТУРАЕВ
суратга олган.



*

• *Акс-садо* •

«ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ» МУАЛЛИФИ ҲАҚ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» рўзномасининг 1991 йил 25 май сонида эълон қилинган «Ҳақли эътироз» сарлавҳали мақоланинг муаллифи жуда тўғри мулоҳазаларни ёзибди. Аслида жамоат транспортидаги ҳар хил ярим яланғоч суратлар, қолипга сиғмайдиган чизмалар жуда кўпайиб кетди. Буни қарангки, муаллиф ёзган Тошкент шаҳрида 83-маршрутда қатновчи автобусларнинггина эмас, Англрен шаҳрининг ички йўлларида юрувчи автобусларнинг ҳайдовчилари ҳам ойналарига истаган суратни ёпиштиришни одат қилишибди.

Энг ачинарлиси — булар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Агар мабодо ана шу автобусларнинг ҳайдовчиларига йўловчилардан бирортаси танбеҳ берса борми, кўкка сапчийди. Наҳотки, «барчангизга оқ йўл», «йўлингиз бехатар бўлсин», каби оддий, кишининг кайфиятини кўтарадиган сўзларни ёзиб қўйиш шунчалик мураккаб бўлса?,

Бу маршрутларда қатновчи автобусларнинг эгаси, автобус паркларининг раҳбарлари борми ўзи?

Ў. ЖУРАЕВ,
ишчи.

«НАРГИЗАНИНГ АЙБИ НИМА?»

«Тошкент ҳақиқати»нинг 4 июнь сонида эълон қилинган мазкур мақолани ўқиб чуқур ўйга толдим. Оилада қайнонанинг ўрни жуда муҳим экан: хоҳласа ўғлини ўзига ёққан келин билан бахтли қилади, хоҳламаса йўқ. Умуман, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман, чунки ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучукларини яхши билмайман. Мени қийнаётган бошқа нарса. Шу вақтгача мен ўқитувчиларга қаттиқ ишонардим. Уларни ҳар бир қилган ишинг тўғри деб ҳисоблардим. Одам бир нарсага қаттиқ ишонса унинг бу ишончини сўндириш жуда қийин бўларкан. Ўзим танийдиган баъзи бир ўқитувчиларнинг айрим ҳатти-ҳаракатлари сабабини энди тушундим ва «домланинг қилганини қилма, айтганини қил» мақоли нечоғлик тўғри эканлигига ишондим.

Наргизанинг қайнонаси педагог бўла туриб, ёш авлодга тарбия беришдек масъулиятли касб эгаси бўла туриб, ўз виждонига қарши иш тутса. У ҳолда у китобий тарбия олгану, ҳаётий тарбия олмаган экан да. Наҳотки шундай бўлса? Унда бу муаллима таълим бераётган ўқувчилар ҳам тарбиянинг шу томонини ўз онгларига сингдириб олмайдиларми? Ахир бу педагог номига доғ тушириш эмасми?

Н. ҚУШОҚБОЕВА,
11-синф ўқувчиси.

* * *

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг 1991 йил 4 июнь сонидаги Дилмурод Этамберди ўғлининг «Наргизанинг айби нима?» мақоласи билан танишиб шундай фикрга келдик: бунда 22 ёшли келинчак Наргизанинг ҳаётдаги қийинчиликлари кўрсатилган. Албатта, турмуш ўз-ўзидан енгил бўлмайди. Аммо бу оилада Наргизанинг айби йўқлигига ишонч ҳосил қилдик. Наргизанинг бундай ҳолга тушишига аввалом бор турмуш ўртоғининг онаси айбдор, чунки қайнонаси кўпни кўрган, ҳаёт аччиқ-чучугини тотгани ҳолда ўз ўғлининг бахтли бўлишига тўсқинлиқ қилади. Келинининг ҳомиладор бўлишига қарамасдан, унинг калтакланишига йўл қўйиб беради. Наргизанинг умр йўлдоши ҳам ҳақиқий йигитнинг ишини қилмаган.

Қайнона олий маълумотли, ҳурматга сазовор ўқитувчи бўлишига қарамасдан ўзининг фарзандини, оиласини тўғри йўлга бошқара олмаган. Бундай кимсанинг ўқувчиларга берадиган таълимини қандай баҳолаш мумкин? Наргизани ҳомиладор ҳолда ўз ота-онасниникига қайтариш ҳеч қандай инсофга тўғри келмайди.

З. ХУДОЙҚУЛОВ,
Тошкент темир йўллар муҳандислиги олийгоҳи толиби.

Б. БОБОЕВ,
ТошДД толиби.

НОН ҲАММАГА ЕТАДИ

Тошкентдаги баъзи районларнинг аҳолиси ташвишга тушиб қолди: шаҳар дўконларига нон ўз вақтида келтирилмаяпти, узилишлар бўлаяпти, сотувчилар қачон ва қанча миқдорда батон, буханка, ёпган нон олиб келишларини аниқ айтиб бермаяптилар. Ун етишмаётганлиги ва нонга ҳам норма белгиланиши ҳақида гаплар бўлаяпти. Муштарийларнинг кўпдан-кўп телефон қўнғироқлари ва ҳамкасбларимизнинг шу ҳақдаги саволларидан сўнг ЎзТАГ мухбири А. Безверхов «Ташкентхлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. О. ОТАЕВга мурожаат этди. У бундай деди:

— Кейинги кунларда бизнинг нон маҳсулотларимизга талаб анча кучайди. Лекин бунинг ҳақиқий сабабини айтиб беришим қийин. Чунки, одатда ёз фаслида одамлар нонни кам сотиб олишарди. Айни вақтда биз нон-булка маҳсулотлари пиширишни анча кўпайтирдик. Ўтган йилнинг июнида Тошкент нон заводлари бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 330 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир у 480 тоннага етди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси амалда сотиб бўлинмоқда. Бир кеча-кундузда атиги 10—12 тонна нон маҳсулотлари қолаяпти. Печларимизни кечаси фақат 3—4 соатга тўхтатмоқдамиз.

Аҳолини нон билан таъминлашда узилиш бўлаётганининг сабабини шу ердан излаш лозим. Чунки аввалгига нисбатан 150 тоннага яқин нон кўп тайёрланяпти. Дўконларга нон ташийдиган махсус автомашиналар етишмайди, улар жадвал асосида ишлашга улгуришмаяпти. Бунда транспортчиларнинг айби йўқ — уларнинг имконияти чекланган. Баъзан дўконлар нонни қабул қилишдан бош тортадиган ҳоллар ҳам бўлади. Айниқса сотувчилар уйга шошилаётган кечки пайтда шундай бўлади.

Ун ёки нонинг етишмаслиги ҳақида гапиришга ўрин йўқ. Ҳатто шу кунларда анча кучайган эҳтиёжимизни қондиришга ҳам етадиган унимиз бор. Нон ёпувчи корхоналарда резерв қувватларимиз мавжуд. Ҳозир биз 2-сонли нон заводини таъмирлаб бўлдик, уни яқин орада ишга туширамиз. Заводда турли навдаги нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади.

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига бир маслаҳат беришим мумкин: мабодо қайси бир дўконда нон бўлмаса, 45-33-67 ёки 45-37-53 телефонлари орқали хабар қилинг. Бу «Ташкентхлебпром» бирлашмасининг марказий диспетчерлик пультидир. Шу заҳотиёқ чора-тадбир кўрилади.

(ЎзТАГ).

МУҲАРРИРИЯТГА МАКТУБ

ФАХРИЙЛАРГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

ҲУРМАТЛИ муҳарририят! Бизлар кексайиб қолган одамлармиз. Бирор жойга арз қилиб боришга тоқатимиз ҳам йўқ, кучимиз ҳам етмайди. Иккимиз ҳам Коммунистик районида ўсиб улғайдик. Шу ердан фронтга кетдик. Биримиз Ленинградда, иккинчимиз Украинада жанг қилиб, ярадор бўлганмиз. Хуллас азбароён ҳозирги кунда Кавардон қишлоғидаги манзарани кўриб ушбу мактубни битдик.

Ҳамма гап шундаки, «Политотдел» жамоа хўжалигининг «III-Интернационал» участкасида бир кўҳна чойхона бўларди. Бу чойхонада бизнинг оталаримиз ҳам чойхўрлик қилишган. Район раҳбарлари бир куни келиб уни бузишди. Ўрнига янги — замонавий чойхона қурамиз дейишди. Шу бўлди-ю, қишлоқ фахрийлари чойхонасиз қолишди. Ҳозирги кунда кичкинагина шийпонда қариялар йиғилиб ўтирамиз. Бу ерда ҳеч қандай шароит йўқ.

Фахрийлар шундай савол беришмоқда. Раҳбарлар ваъда қилган чойхона қани? Янги чойхона қурилиб ишга тушгунча бизлар бўлармикинмиз? Бу нақадар оғир гап, билсангиз. Сиздан илтимос, район партия, совет ва ижроқўм раҳбарларига ана шу ваъдаларини бир эслатиб қўйсангиз. Улар фахрийлардан хабар олиб, ҳол-аҳвол сўраб қўйишса ёмон бўлмасди.

Кавардон қишлоғи уруш ва меҳнат фахрийлари номидан

Саидусмон ҚОСИМХЎЖАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Аҳмаджон АЗИЗОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник.

КАСАБА УЮШМАСИ ҲАЁТИ

МАҚСАД ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшмалари кенгаши, унинг доимий комиссиялари, тафтиш комиссияси ҳақидаги Низомлар, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳуқуқий ҳолати лойиҳалари муҳокама қилинди ва қабул этилди. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур Низомлар, вилоят касаба уюшмалари кенгаши аъзоси ҳуқуқий ҳолати лойиҳалари қуйи ташкилотларда ўрганилди, муҳокама этилди. Жойларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар матнга киритилди, шундан кейин пленум иш куни тартибга қўйилди.

Бу ҳужжатлар касаба уюшмаларининг ташкилий, оммавий, тарбиявий ишлари даражасини, фаолликларини янада ошириш мақсадида тузилгандир.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши аъзолари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсати аъзолари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши доимий комиссиялари аъзолари ва комиссия раислари сайланди, шунингдек, вилоят касаба уюшмалари кенгаши бўлим мудирлари тасдиқланди.

Б. ПЎЛАТОВ,
вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

«Мен ўзимни шундай тутайки, ҳеч ким менинг тўғримда бирон ёмон гап айта олмасин».

А. С. Пушкин

Меҳрибон ғамхўр она сиймоси билан ҳамоҳанг турадиган улуғ табаррук бир зот борки, уни эсламаслик асло мумкин эмас. Бу шарафли ва айни пайтда ўта масъулиятли касб-ўқитувчиликдир. Донишмандлардан бири «ҳақиқий шогирд эрсанг, устозингни танит» деганларидек, мўътабар устозимнинг ҳаётидан айрим қирралари ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Халқ маорифида чинакам фидойилик кўрсатган, сабр-тоқат ва чидам билан меҳнат қилган, ёшларга раҳнамолик ва тўғри йўл кўрсатган зиёкорлардан бири марҳум Файзулло Зариповдир. Мактаб тақдирини ўз тақдирига мустаҳкам боғлаган бу заҳматкаш инсон энг оғир суронли 20-йилларда фаолиятини бошлаб, илм-маърифат соҳасида ўзига хос мактаб яратганлардан бири. Жамоа хўжаликларини тузишда кўмаклашиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда амалий ёрдам бериб, фидойилик кўрсатган инсонлардан. Янги мактаблар қуриш, саводсизликка қарши кураш курсларини очиш ишларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган Файзулло Зарипов партия қарорларини оғишмай амалга оширган ғайратли коммунистлардан бири эди.

Ундан сабоқ олган шогирдлар бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида, халқ таълимининг ҳақиқий жонкуярлари бўлиб виждонан меҳнат қилаётирлар. Чунончи, Чапаев номли ўрта мактабдан Эгамберди Мирзақулов, Дилбар Очилова, Бобур номли мактабдан Худойберди Обидов, Островский номли мактабдан Раҳмон Шарипов, Баҳористон ноҳиясидаги Юсуф Ҳусанов номли ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Ҳақберди Арслоновлар (ҳаммаси ҳам Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси) ёшларни давримизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашда сидқидиллик намунасини кўрсатмоқдалар.

Устознинг номини эслашни ўз бурчим деб билдим. Зеро, янгиланиш ва поклaнишни устозлар хотирасисиз тасаввур қилиш қийин.

Нурилла ИСМАТОВ,
Бўка ноҳияси, Чапаев номли 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЗАРАРЛИ МИТТИ

САБЗАВОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Одатда сентябрь ойи охирлари — октябрь ойида кўпгина сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини бериб қурий бошлайди. Бу табиийдир. Лекин бундан бирмунча олдин — август-сентябрда кечки ҳосилга мўлжалланган помидор, картошка, бақлажон каби итузумсимонлар оиласига мансуб экинларда ҳосилга кирар-кирмас касаллик аломатлари пайдо бўлади: япроқлари яшилсизланади, сариқ доғлар пайдо бўлади, барглларнинг чети қуриб, букила бошлайди. Орқа томонида эса нотекис эғри шаклли ялтироқ гунафша рангли доғлар пайдо бўлади. Яна бир оз вақтдан кейин бундай барглар қуриб тўкилади. Ўсимлик поя ва новдалари ҳам нотекис шаклли доғчалар билан қопланиб силлиқланади. Бу доғлар тўқималарни қуюқ тўр билан қопланиб тарам-тарам бўлиб ёрилади. Натижада доғларнинг тепа қисмида ўсимлик ривожланишдан тўхтайди. Агар картошкада бундай кучли зарарланиш оқибатида поялар нимжонланиб сарғайиб кетса ҳосил тугунаклари умуман (эрта зарарланса) бўлмайди, кеч зарарланганида эса майда бўлиб қолади. Помидорда бу жараён қуйидагича боради. Ҳосилда майда тўр чизиқлар ҳосил бўлади, у қисилиб йирик ёриқлар пайдо қилади. Бундай ҳосил табиийки тезда чириб кетиши мумкин.

Хўш, ўсимликлардаги бундай ўзгаришларга нима сабаб? Кейинги йилларда Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳида ўтказган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган помидор ва картошка касалликлари сабабчиси — муайян туркум оилага мансуб бўлган митти кана — помидорнинг занг канасидир. Бу кана жуда ҳам майда бўлиб, у оддий лупада ҳам кўринмайди. Уни 15—20 марта катта қилиб кўргандагина (махсус лупа ёки бинокуляр ёрдамида) кўрса бўлади. Занг канасининг шакли чўзиқ бўлади. Оддий ўргимчак канадан фарқ қилиб, фақаттина 2 жуфт оёққа эга.

Кана қуруқ ва юқори ҳароратли ҳавода тез ривожланади. Ҳаво ҳарорати 25—30 даража бўлиб, намлиги 50 фоизни ташкил этса унинг учун энг қулай шароит бўлиб ҳисобланади ва бир авлоди 6—7 кунда якунланади.

Занг канаси саксонинчи йиллардан кейин жумҳуриятимизда тарқала бошлади. Даставвал Қорақалпоғистон МССЖ иссиқхоналаридаги помидорда аниқланди. Ҳозирги кунда бу зараркунандани Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги иссиқхоналар ва очиқ шароитда ҳам кўплаб учратса бўлади. Қизиғи шундаки, кўпинча деҳқонлар ва хўжалик мутахассислари экинларни бу зараркунандага чалинганлигини билмайдилар ва ўсимлик бемаҳал қуришини бошқа сабабларга ағдаришга ҳаракат қиладилар. Бунинг сабаби албатта кананинг жуда ҳам майда бўлганидадир. Махсус назоратлар шуни кўрсатдики, кана ўсимликдан ўсимликка ёки бир даладан иккинчи далага турли ҳашоратлар (оққанот, шира, колорадо қўнғизи, тунламлар) ёки қушларга илашиб ўтади.

Ўсимликлар кўчат давридан бошлаб зарарланиши мумкин. Бундай помидор кўчати яхши ривожланмай тезда қурийди. Помидор гуллаш давридан бошлаб занг канаси билан зарарланса бўлажак ҳосили 65—80 фоизгача камайиши аниқланади. Йиғилган ҳосилни эса озиқ сифатлари паст бўлади.

Тошкент вилоятининг Оржоникидзе ноҳиясидаги «Коммунист», «Маданият», «Октябрь» каби жамоа хўжаликлари пайкалларида ўтказилган назоратлар шуни кўрсатдики, кучли шикастланган кечки картошка ҳосилининг 50 фоиздан 75 фоизигача йўқотган. Занг канасининг иссиқхоналарда помидорга зиёни оз эмас.

Ўсимликларни занг канасидан ҳимоя қилиб, кўплаб қўшимча ҳосил олишнинг асосий йўли агротехник ва олдини олиш чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказишдир. Аввало ўсимлик қолдиқларини даладан олиб чиқиб куйдириб ташлаш, ерни кўзда чуқур ҳайдаш, зарарланадиган бегона ўтларни пайкал атрофида қолдирмаслик, соғлом кўчат етказиш, ўсиш даврида трактор агрегатларининг ишчи органларини олтингугурт билан чангламинг ва бошқа шу қаби тадбирларни вақтида амалга ошириш керак.

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот илмгоҳи томонидан экинларни помидор занг канасидан ҳимоя қилиш бўйича, шу жумладан, ўсиш даврида хавфсиз кимёвий воситалар ёрдамида ишлов бериш тадбир чоралари ишлаб чиқилди. Хўжалик раҳбарларининг 1991 йил учун илмгоҳимиз билан шартнома тузиб хизматимиздан фойдаланишларини истардик. Илмгоҳга қўйидаги телефон орқали мурожаат қилиб, тегишли маълумотларни олиш мумкин: 63-68-97, 63-75,20, 63-75-21.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳи директори, профессор.

Ш. ХУЖАЕВ,
лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,

К. МАМАТОВ,
аспирант.

ҲИССАЛАРИ БОР

УЧИНЧИ автобус парки жумҳуриятимиз пойтахтининг илғор транспорт корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг кўпмиллатли байналмилал жамоаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳажмини муттасил оширяпти. Янги-янги йўналишларда автобуслар қатновини йўлга қўймоқда.

Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини барвақт уддалаган кўпчилик жамоа аъзолари бу йил ҳам дуруст ишлашмоқда. Шундай илғорлардан Ш. Ҳолмуҳаммедов, С. Миртўлаев, Э. Мирзабоев, Т. Носиров, Х. Маликов ва бошқа ўнлаб ҳайдовчилар ҳамон пешқадамлар сафида боришяпти. Улар йўловчиларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб, уларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлишяпти. Айни вақтда тушумлар бўйича кунлик топшириқнинг ошириб бажарилишига эришмоқдалар.

Корхона жамоаси йил бошидан бери қирқ миллион нафар атрофидаги йўловчиларнинг узоғини яқин қилди. Бунда юқорида номлари тилга олинган меҳнатсевар ҳайдовчиларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

М. МИРҲАЛИДОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАРАДДУДИ

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви» матбуот гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шу катта анжуманга тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳозиргача анжуманга бағишлаб махсус плакат чиқарилди, маълумотномалар, дастурлар ҳам чоп этилмоқда. «Ўзбекистон» деб аталган блокнот меҳмонларга манзур бўлади, албатта. Хорижлик ишбилармонлар «Ўзбекистоннинг четга мол чиқариш имкониятлари» каталогини ўқиб, зарур ва фойдали маълумотларни топа оладилар. Ушбу йиғинга бағишлаб матбуот бюллетени чиқаришга ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мажлисда матбуот конференциялари ўтказиш, меҳмонлар билан суҳбатлар уюштиришга оид ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Учрашувнинг ихчам, чиройли ва рангдор эмблемаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материалларни безайди.

(ЎзТАГ).

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида жамоат ташкилотларининг низомномалари рўйхатга олинди. Ўзбекистон корейслари, Ўзбекистон байналмилалчи жангчилари ва заҳирадаги жангчилар маданий марказлари уюшмалари, Афғонистон фахрийлари уюшмасининг республика бўлими, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитети, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси, республика «Тинбо» илмий-техника жамияти, Ўзбекистон ҳуқуқшунослар уюшмаси рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни олдилар.

Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бу ташкилотларга Ўзбекистон ССР адлия вазири М. М. Маликов тантанали вазиятда топширди. **(ЎзТАГ).**

• Халқ табобати ҳақида суҳбатлар

«САРИҚ»НИНГ ДАВОСИ

Табиат у ёки бу касалликни пайдо қилар экан, албатта, унинг давосини ҳам яратади, дейдилар. Бошқача қилиб айтганда ҳар қандай касалликни тузатишга табиатнинг ўзи табиблик қилади. Бу ерда гап халқ табобати устида бормоқда. Афсуски биз узоқ йиллар давомида уни менсимадик, табибларни ва табобат илми билан шуғулланадиганларнинг даволаш усулларини эскилик сарқитига йўйиб, уларни чиқиштирмадик. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, кўзга кўринган таниқли олимлар ҳам рўзномалар, ойномалар ва ойнан жаҳон орқали чиқишлар қилиб, табибларни кўр-кўрона қораладилар.

Юқумли касалликлар ва уни даволаш бўйича катта тажрибага эга бўлган шифокор, Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш билимгоҳининг ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди Акбар Алиев билан халқ табобати ҳақида очиқчасига суҳбат қилишга жазм этдим.

— Акбар ака, модомики, гап сариқ касаллиги устида борар экан, бу касаллик ундай, бундай, ундан эҳтиёт бўлинг, олдини олинг, деб ҳар йили рўзномаларда бир қолипда айтилаверниб, одамнинг асабига тегиб кетган умумий гаплар керак эмас. Чунки ўзингиз яхши биласиз, биз эҳтиёт бўлганимиз билан баъзи ҳолларда шифокорларнинг ўзлари бизга бу касалликни юқтиришяпти-ку.

— Нимага шаъма қилаётганлигингизни тушундим. Агар янглишмасам сизга ҳам бу касалликни дорининадан юқтиришган, шекилли. Ҳақиқатан ҳам бу ҳозир ёмон иллат бўлиб қолди. Токи бир марта ишлатилиб, ташлаб юбориладиган дорининаларни қўлланишга тўла ўтмагунимизча бу иллатдан қутулолмайдиганга ўхшаймиз.

— Афсус, бу имконият ҳозирча йўқ. Шундай бўлгач, нина ишлатмасдан, дори ичмасдан ва бошқа кўп енгилликлари бўлган халқ табобати усули ҳақида дилдан чиқариб гаплашсак. Қандай бўларкин, одамлар нима деркин, деб сира истиҳолага борманг. Ҳозир ҳар ким ўз шахсий фикрини бемалол айтаяпти-ку.

— Мен рози.

— Пешобни энг яхши даво дейишади.

— Бу ҳақда ҳаммамиз кўпдан бери эшитиб юрамиз. Мен ҳам шифокор бўлиб ишлай бошлагач, бу масала билан жуда қизиқканман. Шунда Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобини кўздан кечираётиб, «Болаларнинг пешоби ва аҳлати сариқ касалига даво бўлиши» ҳақидаги гапларини ўқигандим. Шундан сўнг ўша маҳалдаги устозим академик Исҳоқ Мусабоев билан узоқ мунозара қилдим.

— Сиз қандай қарайсиз бунга?

— Қайдам, — деб елка қисди у.

Бир куни иттифоқо бир жонажон ва таниш дўстимни учратиб қолдим. Бундай қарасам унинг ранглари сарғайиб кетган эди. Кўзини текшириб кўрдим.

— Бу аҳволда қандай юрибсан, — дедим, — сариқ бўлиб қолибсан-ку. Юр касалхонага, ўзим жойлаштириб, ўзим даволайман. Лекин у қанча зўрласам ҳам кўнмади. Ишим кўп, ўйда даволасанг, деди. Мен бунинг имконияти йўқлигини айтдим. Хайрлашдик. Кўнглим ҳижил бўлиб қолди. Ўн кундан кейин яна учрашиб қолсам бўладими. Қарасам у соппа-соғ, ранглари тоза. Хурсанд бўлиб кетдим.

— Нима бўлди, қандай қилиб даволандинг?

— Э, оғайни, Черняевкада Ольга Васильевна деган бир аёл бор экан, ўша даволади мени. Буришган, кичкинагина туршакка ўхшаган доридан беш-олтитасини берди, ўша айтганча ичдим. Мана, кўриб турибсанки, тузалиб кетдим.

Бу, албатта, мени қизиқтириб қолди. Сўраб-суриштириб ўша аёлни топдим. Шифокор эканлигимни айтдим ва ўша дўстимни қандай қилиб даволаганлигини айтиб беришни илтимос қилдим. У кулди, лекин сирини айтмади. Бу сирни эса мен унинг яқин дугонасидан бир амаллаб билиб олдим. Унда ўзларингизнинг Абу Али ибн Синоингиз китобидан кўчирмалар бор, деди у, ўшандан фойдаланади. Сабзини стаканга ўхшатиб ўяди, ичига ҳар куни қизиқон ҳам ишонса бўлади. Мен бу масала билан ҳам қизиқиб кўп китобларни ўқиб чиқдим. Гап шундаки, тил тагидаги пардининг икки томонида кўкимтир томирлари бор. Бу томирлар жигар билан боғлиқ бўлиб, унинг нуқталаридан бири ҳисобланади. Бундай нуқталар милк томонида ҳам бор. Ана шу нуқтага тиғ теккач, ҳозир удум бўлганидек нина санчилса, ўша ердан қон чиқади. Шундан кейин инсон организмидаги «дорихона» ишга тушиб кетади ва ўша касалликка қарши дори тайёрлаб беради. Лекин менинг шахсий фикрим бу. Бу усул билан энди бошланиб келаётган ва ўрта даражадаги касалларни даволаб бўлса керак. Ўткир ва оғирлашган дардга нафи тегмайди, деб ўйлайман.

— Ҳозир шу усулни қўлланиб, даволаётган шифокорлар борми?

— Бор. Улардан бирини танийман. Ҳозир у кооперативларнинг бирида ишлайди. Бу усулни қўллаб юзлаб беморларни даволаяпти, деб эшитаяпман.

— Қанчадан-қанча дори иқтисод қилинади.

— Бўлмасамчи. Бироқ бунинг учун ғоят иқтидорли бўлиш керак. Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Нина билан даволаш эндигина расм бўлаётганда бизга Хитойдан Эминжон Қосимов деган шифокор йигит келди. Бироқ унга ишонишмади.

Шунда у ҳамма масъулиятни бўйнимга оламан, деди. Унга буйраги оғриб, касалланиб, илвираб кетган икки беморни ажратиб беришди.

Нина билан даволаб уларни ўн кунда оёққа турғизди. Қон, сийдигидан намуна олиб текширишганда топ-тоза чиқди. Ҳа, инсон организми ғоят мураккаб ки, биз ҳали тагига етолмаган сир-асрорлар кўп. Мавзудан чиқмадимми?

— Йўқ, нега энди, табиатда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ-да. Номини айтишга одам ижирғанади. Бит ҳам сариқни тузатади, дейишади.

— Бир куни талабалардан бири менга тўсатдан шундай савол бериб қолди. Бўлмаган гап, деб юбордим. Лекин жавобимдан ўзим қониқмадим. Авзойидан кўрдимки, у ҳам жавобдан қониқмаганди.

Эртасига соҳанинг билимдони, етук мутахассис Моцанович Пинхасовга учрашдим. Шу тўғрими, дедим.

— Тўғри. Таъсири катта бўлади.

— Сиз айтаяпсизми шу гапни, ростми?

— Рост, — деди у. Агарда уч донасини ноннинг орасига олиб едириб юборилса ўша куни беморни чунонам терлатадики, қарабсизки икки-уч кунда сариқдан фориғ бўлади.

Дадилланиб машғулот ўтишга келдим.

— Ўзингиз нима дейсиз? — дедим кечаги савол берган бухоролик талаба-шифокорга.

— Домла, кечирасизу,— деди у, — фойдаси катта бўлади-да.

Буни қарангки, у ҳам худди Пинхасовнинг гапини қайтарди. Иккисининг фикри бир ердан чиқди. Шундан кейин ишонмай бўладими. Лекин ҳали бу соҳани синчковлик билан ўрганиш керак. Эҳтимол, битда сариқнинг илдизини қирқадиган қандайдир гармонлар бордир.

Ҳақиқатан ҳам халқ табобатига тан бериш керак. Александр Иванович Николаев деган профессор бўларди. У биохимия фанининг пири эди. Шу одам денг, астма касалига йўлиқиб, қаратмаган дўхтирлари қолмади. Бироқ тузалишдан дарак йўқ эди. Бир куни қандайдир йиғилишда учратиб қолдим. Ёнма-ён ўтирдик.

— Домла, тузалиб кетдингизми?

— Худога шукур. Отдек бўлиб кетдим, — деди у.

— Ким даволади?

— Шундоққина бурнимнинг тагида Ҳожи ота деганн бор экан, билмай кўп вақтгача қийналиб юрдим-а.

Уч кундан кейин сўрабсуриштириб Ҳожи ота Расуловни топдим. Ўзимни танитдим. Тажрибаси билан қизиқишимни айтдим. Аввалига хушламайгина турди, бироқ дилдан, очиқчасига суҳбатлашгач, ҳар куни бўш вақтим бўлди дегунча боравергинимдан сўнг ота-боладек бўлиб кетдик. Унинг қабулида беморлар кўп бўларди. Қачон қарасам қандайдир китобларни варақлаб нималарнидир ёзар, ундай қилинг, бундай қилинг, деб шогирдига буюрарди. Ҳар хил гиёҳлардан дори тайёрларди. Сездимки, у киши ғоят ўқимишли, халқ табобатини замонавий медицина ютуқлари билан боғлаб олиб боради. Ҳар бир бемор билан бафуржа суҳбатлашиб, касалини аниқ айтиб, ўзи тайёрлаган доридан беради, айримларига эса дорихонадан у ёки бу дорини олинг, деб тавсия қилади.

Ҳаёти билан қизиқдим. Анча фожиали кечган экан. 1935 йилда Тошкент давлат дорилфунунининг шифокорлик куллиётини беш ўзбек йигити билан бирга тугаллаган. Касалхоналарда муваффақиятли ишлаб, катта обрў орттирган. Бир куни нима ҳам бўлади-ю, маҳалла фаоллари билан Ўрдадаги ҳовлиси рўбарўсидаги анҳор бўйини айланиб юрганида шох-шаббалари бесўнақай осилиб, ўтган-кетганга ҳалақит берадиган тут дарахтини кесиб ташлаш керак, дейди. Эртасигаёқ уни ҳибсга олишади. Унга сен халқимиз учун керакли бўлган хом ашё — пилла етиштиришга қаршисан, халқ душманисан, деган айб қўйишади. Сибирга сургун бўлади. У ерда ҳам шифокорлик қилади. Битта корпусда еттита махбус-шифокор ишларди. Ҳар бирига алоҳида-алоҳида бараклар биркитиб қўйилади. Ҳожи ота қарайдиган баракдаги касаллар орасида ўлим кам бўларди, бошқаларида эса ҳар куни еттисаккиз киши ўларди. Чунки ўша ерда ҳам Ҳожи ота табобат билан шуғулланди, яшчикларда ҳар хил ўсимликларни ўстириб, улардан дори тайёрлади. Очлик ҳукм сурган, озиқ-овқатда оқсил моддаси анқонинг уруғи бўлган бир шароитда у тайёрлаган дорилар қўл келиб беморларга мадор бўларди.

1956 йилда оқланиб чиқади. Ундан кечирим сўрайдилар. Бироқ у таклиф қилинган шифохоналарда ишлашдан воз кечади. Кўнгли совуган эди-да. Табобат билан чуқурроқ шуғулланмоқчилигини айтади, иложи бўлса Арабистонга боришимга кўмаклашинглар, у ерда бироз ўқиб, табобатдан малака ошириб келаман, дейди. Унинг илтимосини қондиришади. У Арабистонда беш йил таҳсил олади. Қайтиб келгач, ўзини тамоман табобатга бағишлайди.

Мен у кишининг уйида қуён, илон, тошбақа, типратикан боққанларини ҳам кўрганман. Бу жониворларнинг ҳар бирининг гўшти, ёғи ва бошқа аъзолари бирон дардга даво бўлади, дер эдилар менга.

— Халқ ичида бунақа иқтидорли одамлар кўп. Мен яқинда Тошкентда томоқ оғриғи — ангинани тиғсиз даволайдиган врач борлигини эшитдим. Дорини ўзи тайёрлар экан. Одамлар ўзларича бу дорига «ангинилум» деб ном ҳам қўйиб олишибди. Шу врач бел оғриғини икки-уч марта суртишда тарқатадиган дори ҳам тайёрлаганмиш. Бу қанчалик тўғри-нотўғри билмадиму, лекин шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди.

— Бўлиши мумкин.

— Афсуски, бундайлар ўзлари яратган янгиликларини рўёбга чиқаролмай қийналишади. Тўсиқлар шу қадар кўпки, охири қўл силтташга мажбур бўлишади.

— Айтишларига қараганда Ҳожи ота ҳам бундай тўсиқларга кўп дуч келган. Бир куни суҳбатлашиб ўтирган эдик, гап айланиб пашшахўрда касаллигига келиб тақалди. Маълумки, бу касаллик чивин чақишидан пайдо бўладиган яра-чақа, шифокорлар уни бир йилсиз тузатишолмайди.

— Менда унинг дориси бор, — деб қолди Ҳожи ота. Икки-уч марта сурсангиз бўлгани. Ярани туширириб, топ-тоза қилади.

— Менга озроқ бермайсизми, — дедим. Бир синаб кўраман.

Кайфиятлари яхши бўлиб турган эканми, майли дедилар ва бир шишачада олиб бердилар. У пайтда мен дам олишга чиққан эдим. Бухорога қараб учдим. Гап шундаки, пашшахўрда касаллиги кўпроқ шу регионга хос. Бориб Бухородаги касалхонанинг катталарига учрашдим. Мақсадимни айтдим. Бироқ улар чўчишди. Бундай қараганда тўғри-да. Менда ҳеч қандай ҳужжат, дори ҳақида ҳам маълумот, қолаверса, уни қўллашга ҳақ-ҳуқуқим ҳам йўқ эди. Лекин бир амаллаб уларни кўндирдим. Уларга тилхат ёзиб бердим. Шундан сўнг икки беморни биркитиб қўйишди. Ҳафсала билан ишга киришдим. Ҳар куни уч маҳал уларнинг ярасига Ҳожи ота малҳамини улар айтгандек қилиб суртиб, сўнг кузатиб бордим. Ишонасизми, бир ҳафтада уларнинг юзлари яра-чақадан бутунлай фориғ бўлиб кетди. Дўхтирлар ҳам ҳайрон қолишди. Бу дорингизнинг таркибини бизга ҳам айтинг, илтимос, дейишди. Ўзим ҳам билмайман, дедим. Наҳотки, деб улар елка қисишди.

Тошкентга қайтганимдан кейин «ота, зўр дори экан-ку, уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, ҳатто чет элдагилар ҳам сотиб олишлари мумкин».

Лекин Ҳожи ота истеҳзоли кулди. Ўзимнинг шунча вақт қийналганим етар, энди буёғига қолган умримни яна азобга қўяманми? деди.

— Бўлмаса «сир»ини менга айтинг. Сиз учун ўзим ҳаракат қиламан.

— Айтарман, болам, айтарман, дедилар, сенга айтмасам кимга айтаман. Лекин афсуски, айтишга улгуролмадилар. Кўп сирларни ўзлари билан бирга олиб кетдилар.

— Афсус, Акбар ака. Айтишадики, медицина сўзи Ибн Синодан олинган. Яъни мадади сино дегани, шу тўғрими?

— Ҳақиқатга яқин. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Европа 600 йилдан буён тиб қонунларини сув қилиб ичиб, ўқиб ундан фойдаланиб келяпти. Бу бежиз эмас. Шунинг учун уларда медицина ривожланган.

— Афсуски, бизда бу бобокалонимиз қолдириб кетган илм, мерос ҳали ҳам яхши ўрганилмаяпти, деб ҳисоблайман. Медицинамиз оқсаб келаётганлиги сабабларидан бири шу эмасмикин?

— Мен ҳам шундай фикрдаман. Бундан уч-тўрт йил бурун мен бир прокурор танишимнинг уйида бўлдим. Кутубхонасидаги китобларни кўриб оғзим очилиб қолди. Тиб қонунларининг икки нашри ҳам тартиб билан тахлаб қўйилибди. Мен улардан ололмай доғда қолганман. Биродар, дедим, бу китобни ўқиб чиқдингизми?

— Э, қаёқда дейсиз, вақт борми.

— Ундай бўлса менга беринг ёки сотинг. Илтимосим ўринсиз бўлса кечиринг.

Унинг ранги ўчиб кетди.

— Нима деяпсан, оғайни, бу китоблар ахир хазина, уйнинг кўрки-ку.

— Тўғри, ана шу хазина қани энди, ҳар бир шифокорнинг малакасини, илмини бойитишга хизмат қилса. Қани энди институтни битириб чиқаётган ҳар бир шифокор бошқа фанлар майли-ю, шу тиб қонунларини пишиқ-пухта билиб олгандан сўнггина унга ҳужжат берилса. Афсуски бундай эмас-да.

Ҳақ гап. Бизда медикларни тайёрлаш, танлаш, ўқитиш услуби талабга сира ҳам жавоб бермайди. Илмгоҳга ўқиш учун шу соҳага астойдил қизиқадиган ёшлар кира олмайдилар. Кимларнинг қандай қилиб кириши ҳақида гапиришнинг фойдаси йўқ. Уларнинг қай тартибда, қандай қилиб битириб чиқишлари ҳам маълум. Тағин улар битириб чиққанларидан сўнг тузук-тузук жойларга ўрнашиб олишади. Инсон ҳаёти билан «ўйнашади»лар.

Ҳақиқатан ҳам ҳавасманд, иқтидорли, қизиқадиган ёшлар илмгоҳга киришолмайди. Ўтган йили ТошМИнинг шифохонасида ётганимда икки-уч ҳамшира қизларнинг ишини, меҳнатини кўриб ҳавасим келди. Улар айрим ҳолларда дипломли шифокорлардан ҳам «ўткирлик» қилишарди. Касалингиз қанақа, нима даво, қандай қилсангиз тезроқ тузаласиз, ҳаммасини айтиб беришади. Айрим шифокорлар ҳижжалаб зўрға ўқийдиган кардиограммани ширириллатиб ўқишади.

Мен уларга, қизлар, нега институтга кирмадинглар, дедим.

— Э, амаки, бизга йўл бўлсин, — дейишди бошларини эгиб. — Икки марта уриндик, танловдан ўтолмадик. Энди ҳафсаламиз пир бўлди.

Қизлар нима дейишмоқчи бўлганлигини ўзингиз мушоҳада қилиб олаверинг. Қани энди ҳар бир шифохонадан ана шундай иқтидорли ҳамшира қиз-йигитлар танлаб олиниб, ҳеч қандай оворагарчиликсиз, имтиҳонсиз улар шифокорлик илмгоҳига қабул қилинса. Мен аминманки, келажакда улардан ажойиб, халқ соғлиғи тўғрисида жонини фидо қилиб меҳнат қиладиган шифокорлар етишиб чиқади. Чунки уларнинг кўзи тажрибада, амалиётда пишиган-да.

Тажрибада эса гап кўп. Лекин айримлар касалларини даволатмоқчи бўлишса кўп ҳолларда номдор, унвонли шифокорларни қидириб қолишади. Акбар ака шу мулоҳаза сабаб бир воқеани айтди.

— Республикадаги катталардан бирининг катта ишда ишлайдиган укасини касалхонага келтиришди. Унинг жигари қуриб бораётган эди. Касалхонадаги даволовчи тажрибали врачларга ишонишмай номдор профессорни чақириб келиб, унинг ўзи қарашини топширишди. У беморга кучли антибиотиклардан укол қилишни буюрди. Бироқ шунга қарамай касал ҳадеганда бери қарамади, аксинча, оғирлашиб борди. Зир югуриб қолишди. Москвадан катта мутахассисни чақириб келишди.

— Ким қаради беморга,— деди у, беморнинг жигарини синчиклаб текшириб кўргач, — ишдан чиқариб қўйибди-ку.

Кўрилган муолажалар ёрдам бермади... Дарҳақиқат, тажрибада, ишончда, эътиқодда гап кўп. Бу ўринда ибн Синонинг мен, сен, касаллик. Учтамиз. Агар сен соғайишни истасанг менинг тарафимда бўл, кейин тузаласан. Агар ишонмасанг, касал томонда бўлсанг, унда мендан сенга ҳеч қандай наф бўлмайди, деган маънода айтган гапларини сира эсдан чиқармаслик керак.

— Тўғри, ишончда гап кўп. Ўзингиз ўйланг, ахир. Балиққа тикилиб ўтирсанг, ёки қўлингга сариқ ип боғласанг сариғинг балиққа, ипга ўтиб кетади, дейишади. Бундай қараганда бўлмаган гап. Лекин агар астойдил ишонсанг, унинг фойдаси катта бўлади. Одам организми имкониятлари беқиёслиги ҳам шунда-да. Ҳозир кенг миқёсда расм бўлган руҳий муолажанинг асл моҳияти ҳам шунда-ку. Агар сиз руҳий муолажа вақтида шифокорнинг айтаётган гапларига астойдил ихлос билан берилиб, тинглаб, ишонсангиз сизнинг организмингизда ҳеч шубҳасиз ўзингизда бор бўлган касалликнинг кучини қирқувчи қувват пайдо бўлади. Бунга шубҳа қилиш ноўриндир.

— Мазмунли, дилдан чиқариб қилган суҳбатингиз учун раҳмат.

— Лекин айтиб қўяй, мен кўрган кечирганларим, эшитганларим, ҳаётимда ўзим гувоҳ бўлган воқеалар, далиллар, суҳбатларни асос қилиб гапирдим. Эҳтимол, айримлар менинг бу гапларимга қўшилишмас, ишонишмас, буни ўзлари билишади. Лекин бир нарсага аминманки, ҳозир айтилаётган ва ёзилаётганидек ҳар бир касалга табиатнинг ўзи табиблик қилади. Бу деганим халқ табобати имкониятлари чексиз. Ундан ўринли, билиб фойдаланиш жоиз. Халқ табобатининг қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Суҳбатни Н. РИХСИЕВ олиб борди.

Чет элларда

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● АЛБАНИЯ Меҳнат партияси X съезднинг учинчи куни бошқача хабар эълон қилинди. Албания Меҳнат партиясининг номи ўзгарди. Энди ликда у Албания Социалистик партияси деб аталади. АМП асосчиси Анвар Хўжанинг беваси партия сафидан чиқажаклигини айтди. У ҳозиргача АМП Марказий Комитетининг аъзоси эди. Съездда Сиёсий бюро ҳамда Марказий Комитет таркибидан ҳам жуда кўплаб кишилар чиқарилди. А. Хўжа шаънига айтилган таҳқирона ва танқидий сўзлар, қичқириқлар билан бир неча бор узиб қўйилди.

● БАНГЛАДЕШ собиқ Президенти Х. Эршод махфий равишда қурол сақлаган деган айб билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Эршод ўзининг уйидан топилган 8 та автомат, тўппонча ҳамда милтиқларни менга хорижий мамлакатларда совға қилишган эди, деган баҳонани кўрсатди. Аммо суд Х. Эршоднинг бу сўзларини инобатга олмади.

● БОЛГАРИЯНИНГ собиқ раҳбари — Тодор Живков устидан дастлабки суд бундан бир неча кун аввал бошланган эди. Т. Живков оқловчилари унинг саломатлигини рўкач қилиб, суд жараёнини кечиктиришга муваффақ бўлдилар.

● «ЎН минутдан сўнг сизлар ўтирган жойда бомба портлайди!» Аэрофлотнинг Греция пойтахти Афинадаги қароргоҳига кимдир ана шу ваҳимали сўзлар билан қўнғироқ қилди. Тезда етиб келган полициячилар ҳамма ёқни текшириб чиқдилар. Бироқ бомба топилмади.

АҚШ СССРга ҚАРЗ БЕРАДИ

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари Президенти Ж. Буш СССР Президенти М. С. Горбачевга хабар қилиб, АҚШнинг СССРга 1,5 миллиард доллар миқдорда қарз беришга рози бўлганлигини айтди. Бу маблағга Америкадан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилинади. Оқ уй матбуот котиби М. Фицуотер ана шу қарз хусусида гапириб, АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазири яқин кунлар ичида расмий совет кишилари билан ана шу шартнома моддаларини чуқур ишлаб чиқишга киришади, — деди. Мазкур қарз 9 ой давомида, 3 босқичда берилади.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

● АЛБАНИЯ пойтахтида Юли Буфи бошлиқ янги ҳукумат тузилганлиги эълон қилинди. Унга турли хил партияларнинг вакиллари ҳамда партиясиз кишилар киритилди. Бош вазир ўринбосари лавозимига Демократик партия вакили Грамоза Пашко билан ҳукмрон Албания Меҳнат партияси вакили Зихди Пепи номзодлари кўрсатилди. Муҳаммад Қоплоний аввалгидек ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаб турибди.

Янги ҳукумат келгуси йилнинг май — июнь ойларига белгиланган навбатдан ташқари ўтказиладиган парламент сайловларигача ўз вазифасини ўтаб туради.

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ пойтахтида жиноятчилик тобора авжига чиқмоқда. Шу боис полициячиларга ҳарбий хизматчилар ёрдам бермоқдалар. Суратда: кечки патруль иш устида.

ЧТК ТАСС суратн.

САЙЛОВ ВА ТЕРГОВ

● ҲИНДИСТОН Миллий Конгресси (И) партияси раҳбари Раджив Ганди ҳаётига ваҳшиёна ҳуруж қилинганидан сўнг Ҳиндистон парламентига ўтказилаётган сайловларнинг иккинчи босқичи маълум муддатга кечиктирилган эди. Мамлакатдаги 13 штат ҳамда 2 та иттифоқдош ҳудудда сайловларнинг иккинчи босқичи бошланди. 1800 нафар номзод халқ (кичик) палатасидаги 545 ўриндан 113 таси учун кураш олиб бормоқда.

Шу орада Ражив Гандига қилинган суиқасд тафтиши билан шуғулланаётган терговчилар бу ишга доир жиддий маълумотларни қўлга киритдилар. Раджив Ганди яқинида турган, бироқ омон қолмаган сураткашнинг исми ва шарифи аниқланди. У Шри-Ланкада ҳаракат қилаётган «Тамил илам»ни озод қилувчи йўлбарслар» экстремистик гуруҳига мансуб бўлиб, исми Рагху ёки Рагхураман экан. Ҳозирча баайни ана шу киши суиқасдга бошдан-оёқ раҳбарлик қилган, деб тахмин қилинмоқда.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ ТУГАДИ

Жумҳурият миқёсида ўтказилаётган «Меҳр-мурувват поезди» тадбирининг қатнашчилари Тошкент вилояти шаҳарларн бўйлаб қилган сафардан қайтиб келдилар. Шундай қилиб деярли бир йил илгари бошланган узлуксиз ҳайрия тадбирининг учинчи босқичи ниҳоясига етказилди.

Бу гал тадбир ташкилотчилари — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жумҳурият жамғармаси, Ўзбекистон ССЖ Давлат спорт комитети, Қизил Ярим ой жамияти вакилларидан ташқари, Тошкент вилоят ижроия комитети ижтимоий таъминот бўлимининг ходимлари ҳам бу тадбирда фаол қатнашдилар.

Меҳр-мурувват карвони қатнашчилари Чирчиқ ва Ангрендаги болалар уйларида бўлишди, Оҳангаронда ногиронлар интернатига ва руҳий асаб касалликларини даволайдиган диспансерга ёрдам бердилар. Мазкур ижтимоий-тиббий муассасаларга кўп миқдорда пул ўтказилди, ногиронларнинг аравачалари, кийим-кечак, бир марта фойдаланиладиган шприцлар берилди. Ўзбекистон меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармаси ногиронлар интернат уйида яшаётганлар илтимосига кўра, тиш даволаш хонасини жиҳозлаш учун ускуна сотиб олди. Комсомол ижодий жамоалари эса беморлар ҳамда тиббий ходимларга катта концерт қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ШУНДАЙ ШИРКАТЛАР КЎПАЙСА...

Табиат ҳуснини бузаётган, атроф-муҳитни ифлослантираётган, айниқса, қўланса ҳид манбаи бўлиб қолаётган ахлатхоналар шаҳар ва қишлоқларимизда ҳар қадамда бўлмаса ҳам, ниҳоятда кўплиги ҳеч ким учун сир эмас. Бунинг учун ҳамма ерда махсус жойлар ажратилган. Аксарият ҳолларда шундай ерларга тўкилади, лекин ўзбошимчалик билан, ҳеч қандай мутасадди ташкилотларнинг рухсатисиз «қўлбола» ахлатхоналар ҳам ташкил этилянти, чиқиндиларни йўл-йўлакай дуч келган жойга тўкиб кетиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Кўп жиҳатдан шу сабабли ҳам супуриндилар ташилмай тўпланиб қолмоқда ва теварак-атрофга ёқимсиз ҳид таратмоқда.

Айни вақтда бу чиқиндилар тайёр хом ашё ҳамдир. Уларни белгиланган жойга ташиб келтириш ва ҳатто қайта ишлашни йўлга қўйиш мумкин. Буни амалда кўрсатаётган жамоалар ҳам йўқ эмас. Чунки улар таркибида муайян ишлов бериб, фойдаланса бўладиган кўпгина нарсалар — металл, полимер, пластмасса парчалари, макулатура ва бошқа шу каби материаллар бўлади.

Ангрен шаҳрида ташкил этилган «Манба» ширкатининг фаолияти бундан далолат бериб турибди. Бир гуруҳ ишбилармонлар томонидан ташкил этилган ва шаҳар хўжалик органлари қўллаб-қувватлаган ширкат иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Ҳали бир йил ҳам бўлмади. Лекин шу қисқа вақт ичида ҳам таҳсинга сазовор ишлар қилди.

Ширкат шаҳар ахлатхонасининг ҳақиқий эгаси ҳисобланади. Бу ерда юз берадиган барча жараёнларга масъулдир, яъни у фақат қайта ишлатиладиган чиқиндиларни ажратиб олиш билангина шуғулланмайди. Айни вақтда уни саранжом-саришта сақлашга, теварак-атрофга ёйилиб кетмаслигига, ёниб атроф-муҳитни заҳарли тутун билан ифлослантирмаслигига ҳам масъулдир.

Ширкат аъзолари ишни ахлатхонага борадиган йўлни текислаш ва унга шағал ҳамда асфальт ётқизишдан бошладилар. Илгари қишда лой, ёзда чанг-тўзон бўлиб ётадиган йўлдан асар ҳам қолмади. Ахлатхона атрофи ўралди. Энг муҳими бу ерда супуриндиларни қайта ишлайдиган мўъжазгина завод қурилди. Унга бир қанча асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилиб, ишга туширилди. Улар чиқиндиларни бир-бириданажратишда жуда қўл келмоқда, бу оғир жараённи қўл кучи билан бажаришни анча камайтирди.

Ширкат аъзолари пластмасса парчалари бирор бўлагининг ҳам нобуд бўлишига йўл қўйишмаяпти. Шу туфайли уни тўплаб, қайта эритиш орқали ҳар сменада юзталаб эшик ва дераза тутқичлари тайёрлашмоқда. Уни қурилиш ташкилотлари ҳам, савдо шахобчалари ҳам жон-жон деб харид қилмоқдалар. Чунки бундай тутқичлар ҳозирги иқтисодий тақчиллик вақтида камёб буюмлар сафига қўшилиб қолди. Унга бир қанча асбоб-ускуналар ҳам ўрнатилиб, ишга туширилди. Улар чиқиндиларни бир-бириданажратишда жуда қўл келмоқда, бу оғир жараённи қўл кучи билан бажаришни анча камайтирди.

Қисқаси ширкатчилар ҳар куни ахлатхонага ташиб келтириладиган чиқиндилар ва супуриндиларни кўздан кечириб, фойдаланиш мумкин бўлганларини йиғиб-териб олмоқдалар ва қайта ишлашяпти.

Уларнинг бу хайрли ва фойдали иши таҳсинга сазовордир. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ёйиш, вилоятимизнинг барча шаҳарлари ва ноҳиялари ахлатхоналарида шундай ширкатлар ташкил этиш, бунда ангренликлар тажрибасига асосланиш лозим. Шундай қилинса чиқиндилардан турли зарур буюмлар ишлаб чиқариш учун кенгроқ фойдаланиш мумкин бўлади, энг муҳими иккиламчи хом ашёлар нобуд бўлишининг олди олинади, ахлатхоналар атроф-муҳитни нисбатан кам ифлослантирадиган бўлади.

М. МАҲМУДОВ.

• *Муштарий илтимосига кўра*

КАЙКОВУС

ҚОБУСНОМА

28-боб

ДЎСТ ТАНЛАШ ҲАҚИДА

Ҳурматли муҳарририят!

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси бир хайрли ишни бошлаганди, яъни унда «Қобуснома» асаридан боблар чоп этилаётганди. Оилада ва йиғинларда биз давра қуриб бу мақолаларни ўқиб, муҳокама қилаётгандик. Бироқ кейинги вақтда бу мавзудаги мақолалар негадир тўхтаб қолди.

Сизлардан илтимос, «Қобуснома»дан парчалар беришни давом эттирсангизлар. Умуман, ахлоқий ва тарихий мавзудаги мақолалар рўзномада кўпроқ бериб борилса.

Бир гуруҳ муштарийлар номидан:

Ф. МАҲАМАДАЛИЕВА,

Тошкентдаги 21-поликлиника шифокори.

Эй, фарзанд, билгилки, киши то тирикдир, дўстсиз бўлмағусидир... Шунинг учун дўстларнинг иши (дўстлик амаллари) тўғрисида ўйлагил, уларга ҳадялар юборгин ва мурувватлар қилгин, чунки ҳар ким дўстларни ёд қилмаса, дўстлар ҳам уни ёд қилмағусидир, оқибат ундай киши ҳамиша дўстсиз қолғусидир.

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил, чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, камчиликлари ошкор бўлмайди, (аксинча) фазилати кўпаяди. Лекин янги дўст орттирганингда, эски дўстдан воз кечма, улардан юз ўгирма, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсин. Яхши дўст кишига давлатдир, деганлар. (Кимлардир) сен билан дўстлик йўлига кирадилар, аммо ярим дўст бўладилар. Бундайлар билан ҳам яхши муносабатда бўл, улар билан ҳар турли яхши ва ёмон масалада дўстлашгин, токи улар сендан кўп яхшиликларни кўрса, кейинчалик аста-секин якдил дўст бўлурлар. Масалан, Искандар (Александр Македонский)дан сўрадиларки, «Озгина сармоя (қўшин) билан бундай кўп мамлакатни қандай хислат туфайли қўлга киритдинг?» Искандар: Лутф ва юмшоқ муомила билан душманларни қўлга олдим, аҳд-паймон йўли билан дўстларни йўлга солдим, шу жиҳатдан кўп мамлакатни эгалладим»,— деб жавоб берди.

Яна билгилки, дўстларингнинг дўстлари ҳам (сенинг) дўстларингдир. Агар дўстинг сенинг душманингни яхши кўрса, ундай дўстдан эҳтиёт бўл, агар сенинг дўстингга бошқа бир дўстинг душман бўлса, ундан ҳам эҳтиёт бўл. Дўст агар сендан сабабсиз гина қилса, унинг дўстлигидан таъма қилмагил, дунёда ундан ҳам айблироқ ва ундан ёмонроқ одам бўлмайди. Аммо саҳоватли, шафқатли одамларда айб камроқ бўлади. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини дўст тутмагилки, бундай кишининг хосияти бўлмайди, (бундайларни) нон дўстлар жумласига киритгил, жон дўстларинг жумласига киритмагил, чунки улар нон дўстлардандир, ор-номус дўсти эмаслар.

Яхши ва ёмон одамни (ажрата) билгил, икковига ҳам дўстлик қилгил, Яхшиларга кўнгил билан, ёмонларга тил (муомила) билан дўстлик қилгил. (Шу билан бу) икки тоифа (ҳам) сенга дўстлик билан қарайдилар, чунки кишининг ҳожати фақат дўстгагина тушмайди, шундай вақт келадики, кишининг ҳожати заврат юзасидан ёмонларга ҳам тушади. Демак бу икки тоифанинг ҳам дўстлигини ҳосил қилгил.

Нодон одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагилки, ақлсиз (нодон) дўст ақлли душмандан ёмонроқ. Ақлсиз дўст шундай иш қиладики, ақлли душман уни қила олмайди. Олижаноб, мурувватли, илмли, вафоли кишиларни дўст тутгилки, сен (ҳам) ўзингнинг мурувватинг, шафқатинг, илминг билан машҳур бўлғайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одамлар билан ўтирмагилки, (ундайлар билан ўтиргандан) танҳолик яхшидир. Дўстларнинг ҳақини (садоқатни) бекорга кетказмагил, токи сени маломат қилмасинлар.

Одамларни икки гуруҳга бўладилар: бири дўстларнинг ҳақини бекорга кетказувчи, иккинчиси яхшилик яхшидир,— деб билувчи. Билгилки, дўст бўлишга лойиқ одамни икки нарсада билса бўлади: бири шуки, дўстига тангдастлик етишган вақтда, қашшоқлик вақтида қудрати етгунча (унга ёрдамлашади), ундан юз ўгирмайди. Иккинчиси, дўсти оламдан ўтгандан сўнг, дўстининг фарзандларини, қариндош-уруғларини чақиртириб, уларга яхшиликлар қилгай ва дўстининг мозорига бориб, зиёрат айлаб, йиғлаб дуолар қилгай...

...Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч сабабсиз сендан қолса, унинг кўнглини олишга қайтадан ҳаракат қилмагил, таъмали, кин-адоватли дўстдан узоқ бўлгилки, унинг дўстлиги ҳақиқий эмасдир, балки таъма (ўз фойдаси) учундир. Ҳасадчи кишиларга асло дўст бўлмагил, кин-адоватли, ҳасадчи киши дўстликка лойиқ эмасдир, чунки ҳосид (ҳасадгўй)нинг ҳасади асло кетмайди ва ҳамиша сендан норози ва гинали бўлади...

ТАИЁРЛОВЧИДАН:

Дарҳақиқат, дунёда дўстликдан улуғроқ туйғу йўқдир. Дўст — кишининг кўзгуси! Қадим машойихлар: «Дўстинг ким эканини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман!» — деб бежиз нақл қилмаганлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳаматлари бўлмиш ҳадиси муборакда ҳам дўст топиш, дўстга садоқат кўрсатиш ҳақида қатор баёнлар мавжуддир:

«Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали бу — одамлар билан дўстлашишдир!»

Лекин дўстликни ҳар ким ҳар хил тушунади. Шундай одамлар борки, улар фақат ўз нафслари йўлидагина дўст бўладилар. Бундайларга егулик, ичкулик олиб берилса, бас. Улар еб-ичиб ўтирган жойларида бу нарсаларни олиб берган кишини мақтаб, унга дўстлик изҳор қилиб ўтираверадилар, токи бундан мақсад, келаси сафар ҳам бу текин овқат, ичкулик шайдосига егулик ва ичкулик олиб беришларининг умидидир. Бундай одамлар гоҳо баҳоли қудрат яхшилик ҳам қиладилар, аммо бу яхшилик ортида таъмагирлик бўлади. Агар унга егулик ичкулик олиб берилмай қолса, у дарҳол алоқани узади. «Қобуснома» муаллифи нон дўстлари деганда шундай кимсаларни ҳам назарда тутган. Бундай таъмагирлардан ранжиш керак эмас. Балки қилинган сарф-ҳаражатни садақа деб ҳисоблаб юбормоқ лозим. Зеро, ҳадиси шарифда ҳам: «Садақа қилган билан банданинг моли камайиб қолмас!» — дейилади.

Лекин шундай одамлар ҳам борки, ҳам таъмагирлик қиладилар агар егулик ичкулик бермасангиз ёки олиб беришни тўхтатиб қўйсангиз Сизни ёмон одам,— деб иғво ҳам тарқатадилар. Бошқаларга ёмон кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шундайларни назарда тутиб, Кайковус: «Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмагил, кин-адоватли, ҳасадли киши дўстликка лойиқ эмасдир...» — дейди.

Ҳасадгўй иғвогар кишиларга ёмонликни раво кўриш ҳам шарт эмас, чунки: «Ёнаётган ўт ўтинни қандай кемирса, кўролмаслик ва ҳасадгўйлик одати ўз соҳибини, унинг савобларини ана шундай қийратади»,— дейилган муқаддас китобларда.

Зеро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан битта рубоийни эсга олиб, сўзимизни якунласак:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо
топқусидир.
Ҳар кимки жафо қилса, жафо
топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо
топқусидир.

Дилмурод САИДОВ.

* Ушбу боб С. Долимов томонидан табдил қилинган нусхадан айрим изоҳ ва қисқартириш билан олинди.



● БЎСТОНЛИҚ районининг «Чимён» дам олиш оромгоҳи манзараси ана шундай кўринишда.

В. ТУРАЕВ суратга олган.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ОҒРИҚ

ЁШЛИГИМНИНГ энг мусаффо ва бокира палласи. Ҳар қандай гўзаллик кўзларимга чўғдек ботар, майин эсган шаббодалар юзларимни худди қизил гул барглларини ажиб бир юлқилаб-эркалаб сийпалаётгандай туюларди. Қалбимни эҳтиросли туйғулар эгаллаган, умидларимнинг ҳеч бири саробга айланмай рўёбга чиқадигандек эди наздимда.

Лекин бир воқеа сабаб бўлибки, мен ўша кундан бошлаб аллақандай изтироб оғушига тушдим. Билимимга ишониб, дорилфунун эшигини ланг очишга шошилдим. Афсуски бу менга насиб этмади. Юрагимда бир дард туғилгандай паришонхотир ва ўйчан бўлиб қолдим. Ўкинч билан зинапоялардан тушиб келар эканман, ортга нигоҳ ташладим, гўё мен тушиб келаётган зинапоялар, кўзимга сирли кўзгуга монанд деразалар ҳам титраётгандай кўринди. Кўз ёшларим денгиз сувидек шўр бўлиб, ёноқларимга тўкилди... Лекин умидим ҳали ҳам сўнмаганди.

Ташқарига чиқиб, ўзимни дарахтлар пинжига олдим, бироқ шу пайт ҳайкалдек қотдим. Энди қалбимга бошқа бир оғриқ соя ташлаганди. Мендан сал нарида водийдан келган ёш йигитча ўксиб-ўксиб йиғлаётганини кўриб кўзимдаги ёш қуриб, ўзимни эмас уни юпатишга ошиқдим. Мени кўриб у уялиб кетди шекилли, юзини орқага ўгирди. Кейин ундан ҳолаҳвол сўрашга мажбур бўлдим. Шоҳруҳнинг сўзларини эшитар эканман, ҳаёлимни бошқа ўйлар забт этди. Нечун? Бу саволлар мени бўрондек чирпиратди...

У ота-онасидан бевақт айрилиб, беш укаси билан етим қолганини, атиги ўттиз сўм билан ўқишга келганини, ҳар куни вокзал билан тайёрагоҳда тентираб тунаб юриб, имтиҳонлардан зўрға ўтганини эшитиб ҳайрон қолдим. Ахир талабалар шаҳарчасида ётоқхоналар кўп-ку! Лекин уни «ҳамма хоналар болалар билан тўлган» деб сарсон этишган. Етимлиги ҳақида ҳужжати бўлишига қарамай, унинг мандат комиссиясидан ўтолмаганлиги алам қиларди. Мен эса унга юпанч бўладиган сўзлар тополмасдим.

Шоҳруҳ ўқишга кириш учун кўп югурди, лекин бу саъй-ҳаракатларидан бирор фойда чиқмади. У ўқишга келаётганида амакиси: «Сен етимчага ўқишни ким қўйибди? Ундан кўра ишлаб, мана бу етим укаларингни боққин. Барибир ўқишга киролмайсан» деб, унга далда бериш ўрнига аччиқ сўзлар айтган экан. Энди қишлоққа, амакиси олдига бош эгиб бориш унинг учун жуда оғир эди. Шоҳруҳни шундан кейин мен бошқа кўрмадим, унинг кейинги ҳаёти қандай кечганини билолмадим.

Мана, зинапоялардан тушиб келаяпману Шоҳруҳнинг мунгли кўзлари, синиқ чеҳраси, дилхун юрагидаги армону оғриқларини юракдан сезаётгандайман. Эҳ, Шоҳруҳ... Балки укаларингни ўйлаб, уларнинг етимлигини билдирмаслик умидида ҳозир далаларда ишлаётгандирсан?.. Балки... Буёғи менга қоронғу. Лекин сендан меҳр-оқибатли инсон чиқишига астойдил ишонаман. Ҳеч қачон кўнглинг чўкмасин, шу кезда қишлоқнинг тоза ҳавосидан нафас олиб, «уҳ» тортмай тер тўкиб юрган, азиз тенгдошим. Умид қил, эзгу мақсад йўлида кураш ва ҳамиша ҳаракатда бўл, келажагингни ўз қўлинг билан яратишга интил! Бу бешафқат ва ўткинчи дунёда бундан ўзга йўл йўқ!

Роҳатой РЕЙМОВА,
ТошДД талабаси.

• *Футбол*

ПЕШҚАДАМЛАР УЧРАШИШДИ

Тошкент вилояти касаба уюшмалари физкультура ва спорт кўнгилли жамиятлари ўртасидаги футбол биринчилигининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу турда иккала гуруҳ пешқадамлари ўзаро куч синашишди. «А» гуруҳда Калинин районининг «Ўзгариш» командаси ўз майдонида жадвалдаги қўшниси — Ғалаба районининг «Шоликор» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришди. Ўзгаришликларни кетма-кет таъқиб қилаётган Пискентнинг «Сўғдиёна» командаси Бекободда мезбон — Мавлонов номли совхоз футболчиларидан 3:2 ҳисобида устун келди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Ҳамид Олимжон номли — «Кўк Орол» — 4:1, «Уяли» — «Трикотажник» — 0:1, «Оқ олтин» — «СоюзНИХИ» — 5:1, «Металлист» — «Шифокор» — 1:1.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
1. «Ўзгариш»	6	5	0	1	24—5	10
2. «Сўғдиёна»	6	5	0	1	23—11	10
3. «Уяли»	6	4	0	2	16—10	8
3. «Шоликор»	5	3	1	2	14—8	7
5. «Шифокор»	5	3	1	1	10—8	7
6. «Оқ олтин»	6	2	2	2	21—16	6
7. «Металлист»	4	2	1	1	10—6	5
8. Ҳамид Олимжон номли	5	2	1	2	9—13	5
9. «Трикотажник»	4	1	2	1	6—6	4
10. Мавлонов номли	5	1	1	3	10—11	3
11. «СоюзНИХИ»	4	1	1	2	6—11	3
12. «Ленин йўли»	4	1	1	2	6—12	3
13. «Коммунизм»	5	1	0	4	9—17	2
14. «Наврўз»	4	1	0	3	5—20	2
15. «Кўк Орол»	6	0	1	5	11—25	1

«Б» гуруҳида марказий ўйин Бекободда ўтказилиб, унда «Далварзин» футболчилари мусобақа пешқадами — Ангреннинг «Торпедо» командасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадам бўлиб олди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Москва» — «Кўҳнашаҳар» — 1:2, «Ёшлик» — Навоий номли (Тошкент) — 5:0, Навоий номли (Янгийўл) — «Дзержинец» — 2:1, «Технолог» — «Птицефабрика» — 0:2, «Умид» — «Арта» — 2:0.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
1. «Далварзин»	6	4	1	1	24—11	9
2. «Торпедо»	6	4	1	1	13—6	9
3. «Қорахтой»	5	4	0	1	14—6	8
4. «Технолог»	6	3	2	1	12—6	8
5. «Птицефабрика»	6	3	2	1	14—9	8
6. «Арта»	6	3	0	3	14—10	6
7. «Кўҳнашаҳар»	6	3	0	3	12—12	6
8. «Умид»	5	2	1	2	12—7	5
9. «Ёшлик»	5	2	0	3	9—15	4
10. Навоий номли (Ян)	4	1	1	2	5—8	3
11. «Москва»	4	1	0	3	8—11	2
12. Ҳамза номли	5	1	0	4	7—13	2
13. «Дзержинец»	4	1	0	3	7—13	2
14. Навоий номли (Тош)	6	1	0	5	2—28	2

УМУМБАШАРИЙ МЕРОС

Кўҳна ўзбек диёри тарихий обидалар, қадимий ёдгорликларга жуда бой. Ана шу ноёб бойликларни ўрганишда ЮНЕСКО ташкилоти кўп ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда ташкилот «Умумбашарий мерос рўйхати»ни тузишга киришди. Ушбу рўйхат Ўзбекистондаги қадимий, тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳам ўз ичига олади. Ҳозирча Оҳангарон воҳасидаги Кўлбулоқ ёдгорлиги, Амир Темур гори, «Қирқ қиз» геологик маскани ҳақидаги қизиқарли маълумотлар рўйхатга киритилиши лозим деб топилди.

А. АЛИЕВ.

Ҳар тўғрида

ТОМ УСТИДА ЭКИНЗОР

Удмурдистоннинг Кезск ноҳиясидаги Пушкин номли жамоа хўжалиги сигирхонасининг томи экинзорга айлантирилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобидан кейин шундай тадбирга қўл урилди.

Колхозчилар бунга турли хил тажрибаларга ишқибоз бўлганликлари учун эмас, балки эски шиферларнинг синиб-ёрилиб кетаётгани, уларни янгилари билан алмаштирариш жонга тегиб кетганлиги учун ҳам шундай қилишди: шифер полиэтилен плёнкаси билан алмаштирилди, унга пиёз, бодринг ва помидор кўчатлари экилди.

РИВОЯТЛАРГА ИШОНИЛСА

Ривоятларга қараганда Перунинг жанубий қисмида қадимги инк қабилалари олтин қазиб чиқарадиган район бор.

Бу ҳақдаги овозалар испан истилочилари даврида-ёқ катта тўс-тўполонга сабаб бўлди, тахмин қилинган жойда олтин конларини роса қидиришди, бироқ уни топа олмадилар. Бизнинг давримизда эса Перу геологлари бу ерларни яна тадқиқ қилдилар, ҳаммани ҳайрон қолдириб ҳали қўл тегмаган сариқ металл заҳираларини топдилар. Уларнинг қиймати бугунги курс бўйича уч миллиард сўмлик деб баҳоланди. «Труд» рўзномаси (Болгария) шу ҳақда хабар беради.

ЦЕЦЕ УЧУН ҚОПҚОН

Цеце пашшаси ҳар йили 25 минг нафаргача инсонни ўлдиради, шунчалик кўп чорвага қирон келтирадики, у бозорда сотиш учун салкам бир ярим миллион тонна гўшт тайёрлашга етарди.

Кениядаги илмгоҳ тадқиқотчилари цеце пашшасининг мовий ранг ва ҳўкиз пешоби ҳидига ишқибозлиги каби хусусиятларидан фойдаланишга қарор қилдилар. Мовий ранг мато ва суюқлик солинган банка пашшаларни капа ичига чорлайди, бу ерда улар бироз вақт ўтгач юқоридаги кичик тешикдан эркинликка чиқмоқчи бўлади. Бироқ бу тешик юпқа пластик қопга олиб боради, у аслини олганда цеце учун қопқондир. Бу ерда зарарли пашшалар қуёш нурлари таъсирида ўлади.

Шундай қопқонлар ёрдамида иккита синов районида пашшанинг 99 фоизи ушланган, деб хабар беради «Интернэшнл уайлдлайф» ойномаси.

КИМ ЯХШИ ЯШАЙДИ?

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти жаҳоннинг 160 та мамлакатидаги турмуш даражаси ҳақидаги маълумотларни босиб чиқарди. Иқтисодий аҳвол, умрнинг узунлиги, маълумот тушунчалари бўйича жадвалнинг юқори қисмида қуйидаги мамлакатлар туради: Япония, Канада, Исландия, Швеция, Швейцария ва Норвегия.

Бироқ ҳаётнинг кўпчилик томонларини ўз ичига олган «фаровон турмуш» кўрсаткичи бўйича (фуқароларнинг хавфсиз ҳаёти, экология, аҳоли жон боши ҳисобига матбуот маҳсулоти миқдори ва ҳ. к.) Исландия олдинда туради.

ХИТОЙЧА ТАНОВВУЛ ҚИЛИШ

● ХИТОЙДА ўз саломатликлари ва овқат сифати устидан синчиклаб назорат қилишади. Хитойлар булар бир-бири билан узвий боғланган, деб ҳисоблайдилар.

Хитойликлар америкаликларга нисбатан 20 фоиз кўп калорий истеъмол қиладилар, лекин шунга қарамай америкаликлар вазни ўртача 25 фоиз ортиқдир. Бу шу билан изоҳланадики, ХХРда ёғ АҚШдагига қараганда учдан бир қисм миқдорида кам танаввул қилинади.

Америкаликлар таомида оқсиллар 30 фоиз кўпдир, лекин бу оқсилларнинг 70 фоизи мол ёғига тегишлидир, хитойликларда эса бундай оқсил бор-йўғи 7 фоизни ташкил этади.

Олимлар шундай хулосага келдилар: гўшт ва сутни америкаликларга нисбатан кам истеъмол қиладиган хитойликлар ўсимликлардан тайёрланган таомларни кўпроқ танаввул қилишлари туфайли анча соғлом ҳаёт кечирадилар.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

1991 ЙИЛ 15 ИЮНЬ ШАНБА КУНИ
СОАТ 16.00 ДА
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЕЗГИ САҲНАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ МУСИҚИЙ ЭШИТТИРИШЛАР БОШ МУҲАРРИРИЯТИНИНГ ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ-МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТАДИ
КОНЦЕРТДА ҚУЙИДАГИЛАР ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ;
Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ортиқ ОТАЖОНОВ;
Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Ғанижон ТОШМАТОВ;
Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Сайфи ЖАЛИЛ;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҳофиз ва бастакор Орифхон ХОТАМОВ.
Ўзбекистон телерадиосининг Юнус Ражабий номидаги «МАҚОМ» дастаси.
«КАМОЛОТ-89» конкурси совриндори Муҳриддин ХОЛИҚОВ.
ХОНАНДАЛАР: Гулбаҳор ЭРҚУЛОВА, Матлуба ДАДАБОЕВА, Насиба Сатторова, Маҳмуд ИЎЛДОШЕВ.

Ҳаммангизни учрашув-мулоқотга таклиф қиламиз!

«Юбилей» Марказий спорт саройида

19—23 ИЮНЬ КУНЛАРИ
«ИБН-СИНО» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
Ўрта Осиё экстрасенслар уюшмаси вице-президенти, биотерапевт
РАШИД ХУСАИНОВ
(ХУСАИН табибнинг)

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Сеанслар юрак-қон томир системаси хасталиклари, кўз, тери, гинекология касалликлари, аллергия, нафас, бўғилиши, бронхит, бод, қандли диабет, псориаз, соч тўкилиши, уйқусизлик анурез, асаб системаси хасталиклари, шунингдек туз йиғилиши, буйрак хасталиклари, ўт пуфагидаги тошларни даволашда шифобахш таъсир этади, қон таркибини, ички аъзолар ҳолатини яхшилайди, чандиқлар, тиртиқлар йўқолади.

Сеанслар 19, 20, 21 июнь кунлари соат 16 ва 18.30 да 22, 23 июнь кунлари соат 12 ва 15 да

Чипталар спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 10 дан 19 гача ва шаҳардаги жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31, 46-07-58.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси
2-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларида ишловчи оператор, мусаҳҳиҳ-ҳарф терувчи, офсет босма матбаачилари, линотипчи, ҳарф терувчи, матбаачи ва муқовачиларни тайёрлайди.

Билим юртига 9—11-синфни тамомлаган 15—18 ёшдаги ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

9-синф маълумотига эга бўлганлар уч йил, тажриба гуруҳларига қабул қилинганлар 2 йил ўқишади ва тўлиқ ўрта маълумот ва касб олганликлари тўғрисида ҳужжат оладилар. Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

11-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 10 ой бўлиб, стипендия билан таъминланадилар. Билим юрти ўзининг устахонасига эга. Ишлаб чиқариш таълими даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия олий билимгоҳларига, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.

Билим юртини уч баҳоларсиз тугатганлар имтиҳонсиз Тошкент матбаа техникумига қабул қилинадилар.

ЎҚИШ-МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА КИРАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Зарурий ҳолларда ётоқхонадан жой берилади.
Ўқиш — 1 сентябрда бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» бекати).

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Тошкент ташкилоти бошқарувлари ташкилотнинг ижодий ишлар бирлашмаси директори, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси **Озод ИСКАНДАРОВнинг** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент вилоят шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликлари иттифоқи жамоаси бош мутахассис И. Ойтўғоновга отаси **Лазиз Содиқович ОЙТЎҒОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт—325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти—325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қа булхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Индекс: 64672.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Буюртма — 5567.

Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 23.30.